



The experience of foreign countries related to the application of the statute of limitations

Farkhodjon MIROV¹

Tashkent inter-district Economic Court

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2023
Received in revised form
15 August 2023
Accepted 25 August 2023
Available online
15 September 2023

Keywords:

duration of action,
General and special claim
terms,
extension of the term of the
claim,
application of the term of
the claim.

ABSTRACT

This article highlights the issues of the application of the statute of limitations in the legislation of foreign states, one of the institutions of civil law. In particular, a statement of the norms of the legislation of foreign states of the concept of the statute of limitations, the content, and the provisions on its suspension, interruption, and extension of the statute of limitations is provided.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss7/S-pp1-6>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Даъво муддатини қўллаш билан боғлиқ хорижий давлатлар тажрибаси

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

Даъво муддати,
умумий ва махсус даъво
муддатлари,
даъво муддатини
узайтириш, даъво
муддатини қўллаш.

Ушбу мақолада фуқаролик ҳуқуқи институтларидан бири бўлган даъво муддатининг хорижий давлатлар қонунчилигида қўлланилиш масалалари ёритилган. Шу жумладан, даъво муддати тушунчаси, мазмун моҳияти, унинг тўхтатилиши, узилиши ва даъво муддатини узайтиришга доир қоидаларнинг хорижий давлатлар қонунчилиги нормалари баёни келтирилган.

¹ Judge, Tashkent inter-district Economic Court.

Опыт зарубежных стран, связанный с применением срока исковой давности

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

срок исковой давности, общие и специальные условия иска, продление срока исковой давности, применение срока исковой давности.

В данной статье освещаются вопросы применения в законодательстве иностранных государств срока давности, одного из институтов гражданского права. В том числе приводится изложение норм законодательства иностранных государств понятия срока давности, содержания, положения о его приостановлении, прерывании и продлении срока давности.

Даъво муддати деб шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўладиган муддатга айтилиши ҳақидаги норма хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам белгиланган. Хусусан, Россия Федерациясининг “Россия Федерацияси Гражданлик кодекси” (биринчи қисми) 195-моддаси мазмунига кўра, даъво муддати ҳуқуқи бузилган шахснинг даъвоси бўйича ҳуқуқни ҳимоя қилиш муддати деб тан олинади.

Худди шу каби Белоруссия Фуқаролик кодекси 196-моддаси мазмунига кўра, даъво муддати ҳуқуқи бузилган шахснинг даъвоси бўйича ҳуқуқни ҳимоя қилиш муддати деб тан олинади.

Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодекси 391-моддасида даъво муддати – бу шахснинг ҳуқуқи ёки қонун билан ҳимояланган манфаатларининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган даъво қондирилиши мумкин бўлган вақт даври эканлиги кўрсатилган бўлса, Молдова Республикаси Фуқаролик кодексида даъво муддати тушунчаси келтирилмаган.

Россия Федерацияси, Белоруссия, Қозоғистон, Молдова ва Украина республикаларининг фуқаролик кодексларида даъво муддати умумий ва махсус даъво муддатлари тарзида мавжуд бўлиши кўрсатилган бўлиб, умумий даъво муддати ушбу давлатлар фуқаролик қонунчилигида уч йил этиб белгиланган бўлса, махсус даъво муддатлари эса қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Россия Федерацияси, Белоруссия, Қозоғистон, Молдова ва Украина республикаларининг фуқаролик кодексларида умумий даъво муддати уч йил этиб белгиланганлиги ва махсус даъво муддатлари эса қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланиши ва умумий даъво муддатига нисбатан қисқартирилган ёки узайтирилган тарзда бўлиши бизнинг фуқаролик кодексимизда белгиланган қоидалари мазмунига мос келади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган давлатларда романо-герман ҳуқуқ тизими амал қилади ва фуқаролик қонунчилигидаги қоидаларда умумий жиҳатлар мавжудлиги билан характерланади.

Англо-саксон ҳуқуқ тизимида эса даъво муддати процессуал ҳуқуқ соҳасида ўрганилади. Даъво муддатининг амал қилиши ва мазмуни жиддий тортишувларга сабаб бўлган. Жамиятдаги изчил ўзгаришлар қонунлардаги камчиликларни очиб берган ва судлар даъво асосларини тан олган ҳолда, бошқа штатлардаги судларнинг ҳаракатларини тақиқланган деб ҳисоблаган. Натижада суд ислохотлари амалга оширилиб, моддий ва процессуал ҳуқуқда даъво муддатини қўллаш қайта кўриб чиқилган [1].

АҚШда даъво муддати асосан моддий қонунчиликни эмас, балки процессуал қонунни ташкил этиши сабабли, кўпгина шартнома бўйича мутахассислар одатдаги қонун танлови танланган юрисдикциянинг процессуал қонунчилигини эмас, балки фақат мазмун-моҳиятини танлаганлигидан келиб чиқади. Натижада эса, Нью-Йорк қонунчилигига биноан олти йиллик даъво муддатига эга бўлган моддий ҳуқуқ Делаверда Нью-Йоркнинг стандарт танлови билан тузилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун тузилган шартномада уч йиллик даъво муддатига боғлиқ бўлиши мумкин [2].

Вашингтондаги Washington Law Review журналида чоп этилган профессор Жон Койлнинг мақоласида турли штат ва федерал судларнинг қонунни танлаш қоидаларини талқин қилишдаги ёндашувлари атрофлича кўриб чиқилган [3]. Муаллифнинг фикрига кўра, танланган қонуннинг процессуал ва моддий қонунчиликка, шунингдек, шартномавий ва шартномавий бўлмаган даъво талабларига тааллуқли эканлиги билан боғлиқ ҳар қандай савол олиб ташланиши зарур.

Германия Фуқаролик тузукларига кўра, даъво муддати деганда, бошқадан даъво қўзғатиш орқали бирон-бир ҳаракатни содир этиш ёки ҳаракатдан тийилишни талаб қилиш ҳуқуқи даъво орқали амалга оширилиши тушунилади. Турли хил ҳуқуқий талаблар учун даъво муддатлари (умумий ва ўзига хос) белгиланган. Фуқаролик тузукларига биноан умумий даъво муддати аввал амал қилган 30 йиллик муддат ўрнига 3 (уч) йилни ташкил этади (Фуқаролик Тузуклари §195). Шу билан бирга, бир қатор даъво талаблари учун, одатда, узоқроқ бўлган махсус даъво муддатлари ҳам қўлланилади.

Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 198-моддаси даъво муддатини ўзгартириш тўғрисидаги келишувнинг ҳақиқий эмаслиги деб номланган бўлиб, унинг мазмунига кўра даъво муддати тарафларнинг келишувига кўра ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

Шу каби қоидалар Белоруссия ва Қозоғистон кодексларида бу каби келишувни тақиқлаш тарзида мавжуд бўлса, Молдова қонунчилигида бундай тақиқ бўлса-да қонунда белгиланган тартибда даъво муддатини узайтириш имконияти назарда тутилган.

Украина Республикасининг Фуқаролик кодекси 259-моддаси даъво муддати давомийлигини ўзгартириш деб номланган бўлиб, юқорида қайд этилган давлатлардан фарқли равишда даъво муддати тарафларнинг ёзма келишувига кўра узайтирилиши мумкинлиги белгиланган, фақат қонунда белгиланган даъво муддатини тарафларнинг келишувига кўра қисқартиришга йўл қўйилмайди.

Мулкка эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги даъволар, шунингдек мулкка бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш ёки мулк ҳуқуқини бекор қилиш ёхуд бундай ҳуқуқнинг мазмунини ўзгартириш тўғрисидаги даъволар, шунингдек товон пули тўлаш тўғрисидаги даъво муддати 10 йилни ташкил этади (Фуқаролик Тузуклари 196-§).

2004 йил 14 декабрдан кейин пайдо бўлган ёки юзага келган тижорат агентлари (савдо вакиллари) ва тадбиркорлар ўртасидаги шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган барча даъволар учун умумий 3 йиллик даъво муддати Фуқаролик Тузукларининг 195 ГК § га мувофиқ қўлланилади.

Германия Фуқаролик Тузуклари даъво муддатни тўхтатиб туриш, узилиши ёки тикланиши бўйича даъво муддатини ўзгартириш имкониятини назарда тутилган [4]. Даъво муддати шахс ўз ҳуқуқлари бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган

вақтдан бошлаб ҳисобланади. Умумий даъво муддати “субъектив” омил билан боғлиқ бўлади ва нисбий ҳисобланади. Шунингдек, “объектив” даъво муддати ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, ашёвий талабларга нисбатан 30 йиллик муддат, оилавий ва меросга оид даъво талаблари, ер участкасига нисбатан 10 йиллик даъво муддати, ашёдаги камчиликларни бартараф этишга доир 5 йиллик муддат ва бошқа даъво муддатлари амал қилади [5].

Франция Фуқаролик кодексининг 2262-моддасига кўра, барча даъволар, агар даъво муддатига нисбатан қисқартирилган муддат назарда тутилмаган бўлса, 30 йилда барҳам топади. Бундай муддатларга 10 йиллик муддат давомида кўчмас мол-мулкка ҳақиқий мулкдор ушбу округда эгалик қилаётган бўлса, агар ушбу шахс бошқа округда яшайдиган бўлса 20 йиллик муддат назарда тутилади [6]. Бу каби норма Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 187-моддасида белгилаб қўйилган.

Романо-герман ҳуқуқ тизимида кирувчи бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам узоқ муддатли даъво муддати назарда тутилган. Масалан, Португалия Фуқаролик кодексида умумий даъво муддати 20 йил, Швейцария Мажбурият қонунида 10 йил этиб белгиланган [7].

Россия Федерацияси Конституциявий судининг фикрича, даъво муддатининг бекор қилиниши ёки қонунда ниҳоятда узоқ муддатнинг белгиланиши пул маблағларини олувчиларнинг ҳуқуқий ҳолатида ноаниқликни юзага келтиради, гарчи бунда пул маблағлари имтиёзли асосда давлат бюджетидан олинган бўлса-да, аниқ муддатлар билан чегараланмаганлик натижасида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар бўйича қарздорликни ундириш имкониятини беради ва моҳиятан ушбу маблағларни олувчилар ҳуқуқий ҳолатида ноаниқликни вужудга келтириши билан бирга уларнинг мулкӣ ҳуқуқларини асоссиз чекланишига, оммавий ва хусусий манфаатлар барқарорлиги бузилишига олиб келади [8].

Даъво муддатининг ўтказиб юборилиши оқибатларига доир МДҲ тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг 2015 йил 29 сентябрдаги 43-сонли қарорининг 15-бандида кўрсатилишича, агар иқтисодий процессда иштирок этувчи тарафда даъво муддатини ўтказиб юборганлиги аниқланса ва даъвогар – жисмоний шахс учун ушбу муддатни тиклаш учун асосли сабаблар бўлмаса, у ҳолда тегишли шахс томонидан даъво муддати ўтганлиги тўғрисида ариза бўлса, суд ишнинг бошқа ҳолатларини текширмасдан, фақат шу сабабларга кўра даъвони қондиришни рад этишга ҳақлидир. Даъво муддати ўтганлиги сабабли даъво рад этилган тақдирда, суд қарорининг асословчи қисмида фақат суд томонидан ушбу ҳолат аниқланганлиги кўрсатилган (Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 198-моддаси 4-қисми, 2-банди). Бундай қарор, таъкидланганидек, аллақачон суд мажлисида қабул қилиниши мумкин. Агар апелляция суди биринчи инстанция судининг дастлабки суд мажлисида даъво муддатини ёки судга мурожаат қилиш муддатини ўтказиб юборганлиги сабабли даъвони қондиришни рад этиш тўғрисида ноқонуний ва асоссиз деган хулосага келса у ҳолда, ишни кўриш учун биринчи инстанцияга қайтаради. Суд мажлисида биринчи инстанция судининг ишнинг бошқа ҳолатларини ўрганмасдан даъво муддатини ўтказиб юборганлиги сабабли даъвони рад этиш тўғрисидаги қарори, дастлабки суд мажлисида худди шу қарорни қабул қилишдан фарқ қилмайди [9].

Иқтисодий процессда фуқаролик процессидан фарқли равишда дастлабки суд муҳокамасида даъво муддати ўтказиб юборилганлиги сабабли даъвони рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш имконияти назарда тутилмаган. Россия Федерациясида фақат 2019 йил 25 ноябрдан эътиборан даъво муддати ўтказиб юборилганлиги сабабли даъвони рад этиш ҳақида қоида киритилган. Бундай ҳолларда даъвони ўтказиб юборилиши узрли деб топилмаганлиги ва судга вақтида мурожаат қилинмаганлиги ҳақида асослантирувчи қисмда баён қилади. Худди шундай қоида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексида ҳам белгиланган. Даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва ишни судда кўриш учун тайёрлаш пайтида даъво аризасида билдирилган талаб бўйича даъво муддати ўтганлиги аниқланса, бу ҳолат даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ёки уни қайтариш учун асос бўлмаслиги инобатга олинади лозим.

Хитой Халқ Республикасида ҳам фуқаролик қонунчилигини кодификациялаш билан боғлиқ ислохотлар амалга оширилмоқда. Кодификацияланган қонун 2020 йилда якунига етиши режалаштирилган. Хитой Халқ Республикаси янги қонунининг 152-моддасига кўра, битимлар юзасидан низолашиш бўйича махсус муддат белгиланган бўлиб, янглишиш натижасида (бунда янглишиш муҳим аҳамиятга эга бўлиши лозим) тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун бир йиллик муддат белгиланган. Иккита максимал муддат белгиланган бўлиб, ушбу муддат давомида даъво орқали ҳимояни олиш мумкин: 1) битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун – беш йиллик муддат; 2) бошқа ҳар қандай ҳолларда – йигирма йиллик муддат [10].

Хитой Халқ Республикаси фуқаролик ҳуқуқида даъво муддатидан мустақил ҳуқуқий муносабат вужудга келди ва муайян талабларга нисбатан даъво муддати жорий қилинмаслиги белгиланди. Булар: 1) ҳуқуқ бузилишини тугатиш, тўсқинликларни бартараф этиш, хавф хатарни бартараф этиш; 2) ваколатли шахсга кўчмас мулкни ёки рўйхатдан ўтказиладиган кўчар мулкни қайтариш; 3) алимент ундириш; 4) қонун бўйича даъво муддати жорий қилинмайдиган бошқа талаблар (Янги қонуннинг 196-моддаси) [11].

Россия Федерацияси Гражданлик кодекси 199-моддаси мазмунига кўра, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаб бўйича даъво муддат ўтган бўлса-да, судлар томонидан иш юритишга қабул қилиниши, даъво муддати фақат низодаги тарафнинг суд қарори чиқарилгунга қадар берган аризасига мувофиқ қўлланилиши ва даъвони рад қилиш учун асос бўлиши, даъво муддати ўтган талаблар бўйича ҳуқуқни амалга оширишга қаратилган бир томонлама ҳаракатлар (пул маблағларини акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш, ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка судсиз тартибда қаратиш ва бошқалар)га йўл қўйилмайди.

Шу каби қоидалар Белоруссия, Қозоғистон ва Молдова Республикаларининг фуқаролик кодексларида алоҳида моддаларда назарда тутилган бўлса, Украина Республикаси Фуқаролик кодексининг даъво муддати ўтишининг оқибатлари деб номланган 267-моддасида акс эттирилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, даъво муддати қўлланилишига оид хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, романо-герман ҳуқуқ тизими амал қиладиган мамлакатларда бу каби қоидалар умумий жиҳатдан бир-бирига яқин ҳолатда амал қилиб, айрим жиҳатлари билан бир-биридан фарқланади. Ушбу тажрибани ўрганиш қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Herd, Jake, Statute of Limitations: A Thing of the Past? (April 27, 2017). <https://ssrn.com/abstract=2992994> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.2992994>
2. Making Sure Your “Choice-of-Law” Clause Chooses All of the Laws of the Chosen Jurisdiction Posted by Glenn West, Weil, Gotshal & Manges LLP, on Monday, September 18, 2017. <https://corpgov.law.harvard.edu/2017/09/18/making-sure-your-choice-of-law-clause-chooses-all-of-the-laws-of-the-chosen-jurisdiction/>
3. John F. Coyle, The Canons of Construction for Choice-of-Law Clauses, 92 Wash. L. Rev. 631 (2017)
4. Bürgerliches Gesetzbuch (BGB) <https://www.gesetze-im-internet.de/bgb/>
5. Шунина Е.Г. Положения об исковой давности в свете реформы обязательственного права Германии // Вестник РУДН, Юридические науки, 2007. №5. 132-б.
6. Французский гражданский кодекс / науч. ред. и предисловие Д. Г. Лаврова, пер. с фр. А. А. Жуковой, Г. А. Пашковской. СПб., 2004.
7. Цветков В.А. Сроки исковой давности в России и зарубежных странах // Сибирское юридическое обозрение. 2011. 44-б.
8. Правовые позиции Конституционного Суда Российской Федерации по вопросам гражданского права // Журнал российского права № 12 — 2013.
9. http://www.consultant.ru/law/podborki/vynesenie_resheniya_v_predvaritelnom_sudebnom_zasedanii/
10. Ербахаев Е.А. Новые Основные положения гражданского права Китайской Народной Республики. Вестник СПбГУ. Право. 2019. Т. 10. Вып. 2. -394-б.
11. Ербахаев Е.А. Новые Основные положения гражданского права Китайской Народной Республики. Вестник СПбГУ. Право. 2019. Т. 10. Вып. 2. -395-б.